

Турсунов Х. Угом-Чоткол миллий боги. Чоткол давлат биосфера куриқхонаси. // Гарбий Тяншандаги экологик тадбирлар. – Тошкент: Укитувчи, 2003. С. 7-10.

УГОМ-ЧОТКОЛ МИЛЛИЙ БОГИ

Ўзбекистоннинг Тошкент вилоятида 1990 йилда майдони 668,35 минг гектар булган Угом-Чоткол Миллий боги ташкил килинган. У Гарбий Тяншан тоғли улкасида жойлашган булиб, Марказий Осиёдаги энг йирик боғлардан хисобланади.

Миллий боғ ноёб ландшафтлар, ундаги хайвонот дунёсини саклаш, усимликларни парвариш килиш ва табиатга салбий таъсирдан асраш учун хужалик фаолиятини тартибга солиш мақсадларида ташкил килинган.

Боғнинг худуди функционал зоналар — агропарк зонаси, фаол рекреацион, тартибга солинадиган рекреацион, захира ва табиий ландшафтлар зоналарига булинади. Хозирда боғ худудида 56,4 минг гектар ер дарахт усимликлари билан копланган, 177,3 минг гектар ер яйловлар ва пичан уриш майдонлари, 1,61 минг гектар ер узлаштирилган ва 329,4 минг гектар қоялар ва туқилмалардан иборат. Бу ерда 3000 дан ортик усимлик ва хайвон турлари учрайди ва улар ичида йуқолиш арафасида турган **кор коплони**, Мензбир сугури, қора тасқара ва бошқалар бор. Миллий боғ худудида учрайдиган усимликларнинг 120 га яқин тури ва Мензбир сугури дунёнинг бошқа чеккаларида учрамайди. Доривор усимликлар, ёввойи мевали дарахтлар, табиий ёнғокзор урмонлар, овладиган хайвон турлари катта қийматга эгадир.

Боғнинг асосий вазифаси барқарор ва қатъий назорат қилинадиган ресурслардан фойдаланиш - барқарор қишлоқ хужалиғи, овчилик, туризм, урмон махсулотларини тайёрлашни ривожлантириш орқали табиатни муҳофаза қилишни таъминлаш хисобланади. Угом - Чоткол Миллий боғи биринчи навбатда Тошкент региони аҳолисининг соғлиғи билан бевосита боғлиқ булган нормал санитар-гигиеник шароитни таъминлайди. Боғнинг худуди неолит давридан бошлаб узлаштирилган. Бу ерларнинг резавор мевалари илдизмевалар ва бой овчилик худудлари дастлабки қучманчилар диққатини узиға жалб қилган. Тогда дехқонлар ва чорвадорларнинг дастлабки манзиллари милоддан аввалғи биринчи асрда мавжуд булган. Инсоннинг Гарбий Тяншан табиий комплексларига давомли таъсири натижасида биологик хилмаҳиллик жиддий қамбағаллашди, энг қимматли арқазор урмонлар қамайиб қетди, яйловларнинг ҳолати ёмонлашди. Натижада боғнинг урмон билан копланган худуди хозирғи вақтда 11% дан ортмайди. Ваҳоланки тоғ урмонлари намликни саклашда аҳоли учун муҳим аҳамият қасб этади. 70- йилларнинг бошида Чорвоқ сув омбори қурилганидан сунг Миллий боғнинг табиий комплексларға таъсири айниқса қучайди.

Дехқончилик, чорвачиликнинг ривожланиши, йуллар қурилиши, аҳолининг уюшмаган оммавий дам олиши - буларнинг барқаси табиатға салбий таъсир қурсатади ва қупинча

кунгилсиз окибатларга олиб келади.

Чорва молларини яйловда бокиш тоғлардаги усимлик копламига салбий таъсир курсатади. Меъёрдан ортик мол бокиш ва дарахтларни кесиш, тоғларда агротехника коидаларига рию килмаслик натижасида сел олиб кетиш холлари ва ён багирларнинг сурилиши каби эрозион жараёнлар ривожланмокда.

Миллий бог худудида катъий мухофаза килинадиган Чоткрл биосфера курикхонаси, Бурчмулла ва Охангарон урмон хужаликлари жойлашган. Улар кам узгартирилган участкалар, дам олиш зоналари хисобланади ва айникса Чорвок-Чимён зонаси худуди инсоннинг кучли таъсирига учраган. Угом-Чоткол Миллий боги Тошкент шахри ахолиси учун оммавий дам олиш маскани булиб колаяпти. Миллий бог ва Чоткол биосфера курикхонаси Гарбий Тяншаннинг табиатини саклаш, табиий ресурсларнинг тикланиши ва ахоли турмуш тарзини яхшилаш учун ташкил килингандир.

ЧОТКОЛ ДАВЛАТ БИОСФЕРА КУРИКХОНАСИ

Гарбий Тяншан худудининг Чоткол тизмасида, Тошкент шахридан 60 км масофада Узбекистондаги энг кухна курикхоналардан бири — **Чоткол биосфера курикхонаси** жойлашган. Курикхона 1947 йилда ташкил килинган булиб, Бошкизилсой ва Шовозсой хавзаларини эгаллаган. Хозирги вақтда курикхона худуди майдони 36 минг гектар булган. Бошкизилсой ва Майдонтол алохида булимларидан иборат. Майдонтол булими Чоткол тизмасининг бориш кийин булган шимолий тизмаларида 1200—3800 м. баландликларда, Бошкизилсой булими жануби-гарбий ён багирларда 1100—3247 м. баландликларда жойлашган. Икки булим оралигидаги масофа 30 км.ни ташкил килади. Мухофаза зонаси Серкалिसой дарёсининг чап киргогида жойлашган ва гарб томондан Майдонтол булимига тағалади. Курикхона худуди арчазорли кучли булакланган урғача баландликдаги тоғ тизмалари, паст буйли альп утлокли баланд тоғлар, шунингдек ксерофит тоғ утлоклари ва даштлардан иборатдир.

Курикхона тоғ-арчазор урмонлари, шунингдек, камёб ва йуколиш арафасидаги хайвон ва усимлик турларини саклаш учун ташкил килинган. Хозирги вақтда факатгина Бошкизилсой булимида утлар, дарахт ва буталарнинг 1004 тури учрайди, улардан 200 тури доривор усимликлар ва 84 тури камёб, Узбекистон «Кизил Китоби»га киритилган. Уларнинг ичида Грейг ва Кауфман лолалари, Совун илдиз, Писком пиёзи ва Коопман нормушки кабилар бор. Курикхонада йуколиш хавфи остида булган, Табиатни мухофаза килиш Халқаро Иттифоки руйхатлари ва Узбекистоннинг «Кизил китоби»га киритилган хайвонларнинг 18 тури яшайди. Улар орасида **кор коплони**, Мензбвр сугури, кора таскара, дашт кумайи, кунгир каптар бор. Худуди камёб хайвонларнинг яшаши учун Урта Осиё тоғларидаги унча куп булмаган бошпаналардан

бири хисобланадиган куриқхонага ушбу ноёб хайвонот комплексини саклаш буйича алохида жавобгарлик юкланади.

Майдонтол булимининг жанубий кисмида, Терексой дарёси буйида, Бошкизилсой булими якинида ноёб кадимги тош битиклари аниқланган. Уларда куриқхонада хозир ҳам яшаётган тог эчкилари ва хозирда учрамайдиган бугулар тасвирланган. Бизнинг аجدодларимиз минг йиллар давомида бу улкаларда табиат билан уигунликда яшаганлар, таъсирчан тог экотизимлари ресурсларидан фойдаланганлар. Охирги 50 йил ичида инсоннинг хужалик фаолияти таъсирида Гарбий Тяншаннинг табиати кучли узгарди. Ноконуний ов, мол боқиш, доривор ва озука усимликларни териш биологик хилма-хилликнинг камбагаллашишига, тог экотизимларидаги салбий жараёнларга олиб келди.

Хозирги вақтда факатгина куриқхона якинида жойлашган кишлоқларда 30 мингга яқин аҳоли яшайди. Иқтисодий кийинчиликлар шароитида аҳолининг бир кисми хаёт фаолиятини муҳофаза қилинадиган худудлар ресурсларидан фойдаланиш хисобига ҳам таъминлашга мажбур булаяпти. Яйловларнинг кучли деградацияси туфайли минглаб бош қорамоллар куриқхонага жиддий тахдид солаяпти ва вақт утган сари бу хавф кучайиб бормокда.

Тог арчазор ва кайир урмонлари, даштлар, альп углоклари ва бошка табиий комплекслар факатгина куриқхонада табиий холда сакланади. Куриқхонанинг табиатни муҳофаза қилиш ва илмий фаолияти халқаро даражада эътироф этилди. 1986 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКОнинг «Инсон ва биосфера» Дастурининг III сессиясида Чоткол куриқхонасига биосфера мақоми берилди ва 1993 йил 15 февралда унга халқаро аҳамиятти тасдиқловчи махсус сертификат топширилди.